



Куйидаги, “Ойдинлик сари” деб номланган мақола 1993 йилнинг декабр ойида ёзилган.

Демак, ўшандан буён 24 йил кечди.

Ўша, 1993 йилнинг декабрида туғилган йигит-қизларнинг кўпчилиги фарзандли, уларнинг ота-оналари неварали бўлди.

Ўшандан буён, қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтмади. Кимлар туғилиб, кимлар ўлмади.

Ўша йили туғилган ўзбек йигит-қизларининг кўпчиликларининг хорижларда оғир шароитларда меҳнат мухожири деб ном олганларининг олдинги сафидагиларининг руҳиятида 7-8 йиллик мусофирлик тамғаси – ачиқ дарбадарлик тажрибаси бор...

“Ўша йили”, “Ўша йили” дея, истаганча ҳасратни давом эттирса бўлди. Аммо, ҳасрат билан иш битмайди.

Бу йиллар мобайнида ўзбек хонадонига, не-не офату балолар рўй бермади. Унинг қалбини қанчадан-қанча ғам-андухлар чилпарчин қилмади...

Дунёда бир қанча мамлакатлар тараққий этиб, қанчадан-қанча мамлакатлар вайронага айланмади...

Ҳозир, бу нарсалар ҳақда эмас, бошқа бир нарса хусусида фикр суряпман.

Шу ўтган йилларда мақолада баён қилинганлардан ташқарида мамлакатнинг, миллатнинг ҳаётида нималар ўзгарди? Халқнинг ва мамлакатнинг ҳаётида яхшилик томон силжиш бўлдими, ёки биз фақат орқага қараб кетяпмизми?!

24 йил бурун ёзилган ушбу мақоладаги қайси жиҳатлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган? Қайси фикрлар бизнинг кунларда ҳам ечимини кутиб ётипти?...

Мақолани ўқигач, баҳс-мунозарани давом эттириш ва хулосалар ясаш, сизларнинг ҳукмингизга ҳавола!

**Ислон ХОЛБОЙ**

\* \* \*



## ОЙДИНЛИК САРИ

**Муҳаммад СОЛИХ**

### ОЙДИНЛИК САРИ

Сиз ҳар куни телевизор, радио, газеталардан турли хабарларни ўқийсиз ва жумҳурият ҳаёти ҳақида хулоса чиқарасиз.

Менинг бугунги сўзим ўша сиз чиқарган хулосага кичик бир илова бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда бугун сиёсий фаолият кўрсатишнинг имкони қолмади. Кўчада, уйда, ишда ҳам – ҳар жойда айғоқчи, ҳар куни фитна, янги тергов, янги айб, янги жазо.

Эл қатори мен ҳам айбсиз қолмадим. Менга давлат тўнтариши ташкил қилмоқчи бўлди, деган айб кўйдилар.

Воқеани қисқача англай: 1992 йил ёз ойида бир гуруҳ ташаббусчилар парламентга қонун чиқаришда елкадош бўлиши учун “Миллий мажлис” деган бир жамоат ташкилоти тузмоқчи бўлдилар. Бундан менинг хабарим бор эди, аммо бу ташкилотларга “Эрк” партияси қўшилмаслигини айтган эдим. Шу, ҳали тузилмаган ташкилот аъзолари қаторида менга ҳам айб кўйдилар. Биз саккиз киш бўлиб давлатни тўнтармоқчи бўлган эканмиз. Ваҳоланки, бу “Миллий Мажлис” лойиҳаси шахсан президентга ҳам маслаҳат учун юборилган экан.

Энди тасаввур қилинг, давлат тўнтарувчи одамлар ўз режаларини ўша давлат бошида турган одамга

юборадими? “Ҳурматли президент, биз сизнинг давлатингизни тўнтармоқчи эдик, маслаҳат беринг”, дейдими?

Бу қўйилган айбнинг беъаъни иддао эканига прокурор Жўраевнинг ўзи “Халқ сўзи” газетининг 11 август сониди бутун дунёга фош қилди. Жўраев шундай ёзади: “Миллий Мажлис программаси ҳаммага маълум, бошқа манбалардан кўчириб олинган умумий гаплардан иборат бўлиб, унда бирорта янгилик йўқ”.

Агар қўйилаётган айбнинг асосий ҳужжати – “Миллий Мажлис” программасидаги гаплар ҳаммага маълум гаплар бўлса, бу ҳам етмагандай, бошқа манбалардан кўчириб олинган, умумий гаплар бўлса, уларда янгилик йўқ бўлса, бу программанинг нимаси жиноят?

Жўраевга тасанно, у шу сўзлар билан фақат ўз фаросати эмас, Ўзбекистондаги сиёсий тузум устидан ҳам ҳукм чиқариб кўйди. Бирор бир адвокат “Миллий Мажлис” ташаббусчиларининг айбсиз эканлигини Жўраев каби оқлай олмас эди.

Бугун Ўзбекистон шундай кулгили ва таҳқирли кунларни бошдан кечираяпти.

Лекин бутун умидимиз келажакдадир. Бу умидни ҳаётга айлантиришга интилаётганлар Ўзбекистонда мавжуд. Сизга шу

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

кучларнинг бир бўлаги – “Эрк” партияси ҳақида қисқача хабар бермоқчиман. “Эрк” партияси муҳолифат партиясидир. Муҳолифат нимага керак?

Муҳолифат, авваломбор, мавжуд ҳокимиятга жумҳуриятнинг долзарб сиёсий-иқтисодий масалаларда бир кўмакчи, бир маслаҳатчи куч сифатида зарурдир. Қолаверса, муҳолифат давлат тепасига чиққан кун бир гуруҳ ёки бир партия ҳукмдорлигини назорат қилиш учун керакдир. Токи, бу ҳукмдорлар қутуриб кетмасинлар, токи улар халққа ўз мулкига қарагандай қарамасинлар.

Муҳолифат назорати давлат органлари назоратидан мутлақо фарқли – бу назорат ҳокимиятда бўлмаган сиёсий кучларнинг, кенг маънода, жамоатчиликнинг назоратидир.

Муҳолифат партияси сайловда ўз программасини халққа маъқул этса, бу партия ҳокимиятга келади, сайловда енгилган партия эса, ҳокимиятдан кетади ва ўз-ўзидан муҳолифат партиясига айланади, бор-йўғи шу.

Бу қоида Ғарб давлатларида кундалик қоидадир. Бу мамлакатда бирор бир ҳукумат Ўзбекистон ҳукумати каби муҳолифатга болта кўтариб югурмайди.

“Эрк” партияси уч йилдирки, болталарга чап бериб яшаётган партиядир.

Бу партия ҳокимиятга келса. Халққа нима беради? Бу саволни менга турли одамлар турли вазиятда беришган. Афсуски, унга жавоб беришга имкониятим кам бўлган.

Ўзбекистонда жуда кўпчилик “Эрк”нинг программасини билмайди. Бу программани халқ билмасин, эшитмасин, деб ҳукуматимиз анча меҳнат қилди ва ўз мақсадига бир қадар эришди ҳам.

“Эрк” партиясининг иқтисодий программасини ҳатто партиямизнинг ўз нашри бўлган “Эрк” газетида ҳам босишга руҳсат беришмади. Чунки, программа нашр қилинса, ҳукуматнинг “муҳолифатда ҳеч қандай программа йўқ” деган иддаоси чиппақка чиқади, унинг ёлғон сўйлагани маълум бўлар эди.

Программа газетда нашр қилинса, “Эрк” тарафдорлари халқ ичида янада кўпаяр ва бу ҳукумат учун ғоят таҳликали эди.

“Эрк” партиясининг иқтисодий қарашлари бўйича, авваломбор,

деҳқонларга мурожаат қилмоқчиман: “Эрк” ҳокимиятга келса, у ўз чўнтагидан ҳеч нарса чиқариб бермайди, балки, сизга ўз мулкингизни қайтариб беради. Сиз бу йил пахтамиздан давлат қанчадан оларкин, деб раисга термулмайсиз, пахтани ўзингиз хоҳлаган баҳонгизга сотасиз. У пайтда раис бува ҳам сизга буйруқ беролмайди, чунки, фақат пахта эмас, ер ҳам сизнинг мулкингиз бўлади.

“Эрк” партияси ҳокимияти ерни босқичма-босқич хусусийлаштира бошлайди. Бу демак, бугун ижарага берилиб, фойда олинаётган ерлар биринчи навбатда хусусийлаштирилади, яъни, бу ерлар ижарачиларнинг ўзига абадий берилади.

Айни пайтда, колхоз ерларининг ҳаммаси тўла ижара шаклига ўтади ва икки-уч йил ичида бу ерлар ҳам – улардан олинган даромадга қараб – хусусий мулк сифатида ижарачиларга берилади.

Ўзини оқлаётган колхоз бўлса, жамоат ундан фойда кўраётган бўлса, бундай колхоз хусусий хўжаликлар билан баравар яшайвериши мумкин. Аммо, кўриб турганимиздек, бугун давлатдан қарздор бўлмаган бирор колхоз йўқ, шу сабаб “Эрк” партияси колхоз системасининг келажаги йўқ, деб билади.

Хусусийлаштириш жараёни бир-икки йил эмас, узоқроқ давом этиши мумкин, чунки, хўжаликларни янги шаклга ўтказишдан олдин улар учун техник тадбир ва ашёлар асосини яратиш лозим бўлади. Бу тадбирлар олингандан сўнг хўжаликлар оёққа тугунча улардан солиқ олинмайди ёки солиқ минимал даражага туширилади.

Қишлоқ жойларда маҳсулотни ўша ернинг ўзида қайта ишлайдиган кичик фирма ва фабрикалар қурила бошлайди. Давлат уларни технология билан таъминлашни ўз зиммасига олади, чунки, хусусий хўжаликлар илк босқичда давлатнинг кўмагисиз оёққа туролмайди.

Хулоса қилиб айтганда, “Эрк” партияси ишни ер реформасидан бошлайди, асосий мўлжал биринчи беш йил ичида оғир саноат эмас, енгил саноатга қараб олинади. Зотан, Ўзбекистон халқнинг 70 фоизи қишлоқларда яшайди ва агар ер ислоҳоти муваффақиятли амалга оширилса, миллатимиз нуфузининг 70 фоизи қашшоқлик ботқоғидан қутулган бўлади.

Бу иқтисодий тадбирлар билан баравар жумҳурият миқёсида мулк индексасияси ўтказилади, яъни, миллий мулк рўйхатга олинади. Ва йирик завод, саноат корхоналаридан ташқари, барча ўрта ва кичик корхоналар хусусийлаштира бошлайди.

“Эрк” партияси табиат муҳофазаси учун ва пахта монокултурининг оғир оқибатлари билан кураш бошлайди. Зотан, ўзини таниган давлат ҳар нарсадан ўз миллатининг соғлиги ҳақида қайгуриши лозим. “Эрк” партияси бу масалага иқтисодий-сиёсий масалаларга қарагани каби, муҳим масала деб қарайди ва уни ечиш учун бор кучини сарфлайди. Бу муаммони Орол кўмитаси каби жамоат ташкилотлари гарданига юклаб, масала ҳал бўлди, дея ҳисобот берадиган ҳукуматни масъулиятсиз ҳукумат деб билади.

**“Эрк” партиясининг сиёсий ислохотлар бўйича қиладиган ишлари**

“Эрк” партияси Ўзбекистон давлатини демократик давлатга айлантиришни ўзининг асосий мақсади деб билади. Демократик давлат қуриш учун фақат демократик Конституция қабул қилишнинг ўзи етмайди. Ўзбекистон халқи насбатан демократик Конституцияга эга, аммо бу Конституция халқ ҳаётига ҳеч қандай яхшилик олиб келмади. Халқнинг сиёсий иродаси устида Конституция эмас, қонунлар эмас, бошлиқ ва бошлиқчалар ҳукмронлик қилмоқда. Улар бугун Конституция устида ўтиришибди. Демократик давлат ўша Конституцияни бу тўраларнинг тагидан олиб, уни лозим юксакликка кўтара олсакки, қурилади.

Ана шундай давлат жамиятдаги ҳар қандай бузғунчиликнинг олдини олишга қодир бўлади. Шундагина, давлатга сўл кучлар ҳам, соғ кучлар ҳам таҳлика сололмайди. Яъни, давлатда ҳақиқий тузум – демократик система вужудга келади. Биз кучли давлат деганини шундай тушунамиз, болта кўтарган арбоблар галасини эмас. Демократик система дегани нима?

Жўн бир мисол келтираман: Англияда ҳокимият бошига ирқчи бир шахс келиб қолди, дейлик. Бу шахс Англия давлат сиёсатини ирқчилик сиёсатига айлантира олмайди. Чунки, давлатнинг

**(Давоми кейинги саҳифада)**

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

демократик механизми бу одамни муайян чегараларда ҳаракат қилишга мажбур этади. Борди-ю, бу шахс системага қаршилик қилса, система уни ҳокимиятдан улоқтириб ташлайди. Демак, бундай тузумда бир фашист ёки телбанинг ҳокимиятга келиб қолиши ҳам эҳтимолдан узокдир.

Энди демократик тузумга эга бўлмаган, фақат зўравонлик билан ҳокимиятни тутиб турган давлатларда тахтга Тошмат ўтирса, бутун давлат Тошмат сиёсатига, Эшмат ўтирса- Эшмат сиёсатига юради. Яъни, Тошмат билан Эшмат телбароқ бўлсалар, давлат сиёсати ҳам телба-тескари бўлади, улар сотқин бўлсалар, давлат ҳам, миллат ҳам мудҳиш таҳликада қолади.

Шунинг учун ҳам “Эрк” партияси демократик системага қурилган энг ишончли давлат бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди.

**“Эрк” партиясининг кадрлар сиёсатига қарашлари**

“Эрк” партияси янги давлат қурилишида кадрлар муҳим рол ўйнаяжagini таъкидлайди. Бу жабҳада бизда анъанавий хасталик бор, бу хасталик – маҳаллийчиликдир. Бизнинг раҳбарларимиз халққа унинг бўлинмас бир миллат эканини англаиш ўрнига, ўзлари айричилик сиёсатини юргизиб келдилар, маҳаллийчилик ботқоғига ботдилар. Бу сиёсат миллатимиз онгини чуқур заҳарлади, бу заҳарни чиқариб ташлаш учун фидоий меҳнат талаб қилинади. “Эрк” партияси биринчи навбатда шу фидокорликни бўйнига олади ва айричилик сиёсатини таг томири билан кўпориб ташлайди.

Кадрлар, авваломбор, лаёқатига қараб танланади, кейин давлат манфаати учун ишлайдими, шунга қараб танланади.

Уларга ўз вазифаси доирасида мустақил фаолият кўрсатиш ва ишига ижодий ёндошиш учун имконият яратилади. Яъни, фуқаролар арзимаган иш учун бугунгидай президентдан рухсат сўраб юрмайдилар, уларнинг муаммосини мустақил ва фаросатли маъмурлар “тепа нима дер экан”, дея ҳадиксирамай, ўзлари халқ қилаверадилар.

Ҳар бир маъмур давлатда ўз мартабаси даражасида кадр-қиммат топади, ўз меҳнати ва фидоийлиги даражасида тақдирланади. Маъмурлар ўз бошлиқлари

томонидан ҳақорат қилинишига йўл қўйилмайди, уларнинг шахсий ҳаётидаги камчиликлари идорада муҳокама қилинмайди.

Уларга эркин ва тўқ ҳаёт кечиришлари учун етарли даражада маош тўланади, уларга истеъфога кетганда ҳам нормал яшаши учун бутун имкониятлар яратилади.

Оддий маъмур бўлсин, депутат бўлсин, университет ўқитувчиси ёки шифокор бўлсин, ҳаммаси “мен давлатга керакман”, деган туйғу билан яшайдилар ва давлат бу тушунчани амалда рағбатлантириб туради.

Албатта, давлат ўз навбатида маъмурларидан қатъий масъулият талаб этади. Маъмур идорада экан, давлат манфаати ва обрўсини биринчи ҳадаф сифатида билмоғи шарт бўлади. Маъмурлар устидан тушган ҳар бир кичик шикоят ҳам давлат томонидан чуқур ўрганилади ва уларга шунга яраша чора кўрилади.

Порахўрлик қилган маъмур давлатнинг шафқатсиз жазосини олади. Бунга давлатнинг нафақат қонуний, маънавий ҳуқуқи ҳам бўлади, чунки давлат ўз маъмурини порага муҳтож бўлмайдиган, қонунни бузишга эҳтиёж сезмайдиган даражада маош ва имтиёзлар билан таъминлаган бўлади. Энг оғир жазо миллат ва давлат манфаатларини сотган маъмурларга берилади.

Шу шаклда давлат ўз маъмурларини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан қанча фойда кўрса, маъмурлар ҳам ўз давлатига астойдил хизмат қилишдан шунчалик мафаатдор бўлади.

“Эрк” партиясининг мафкуравий шиори қисқадир: **МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ.**

Бу мафкура ўрнақларини “Эрк” партияси раҳбарларининг брошюрасидан эмас, миллатимизнинг бой тарихидан олади. Асримиз бошида бошланган жадидлар ҳаракати янги миллий мафкурамизнинг туғилиши эди. Бу ҳаракат ўша замондаги хонлик ёки губернаторлик томонидан эмас, балки, халқ ичидаги сиёсий-маърифий гуруҳлар томонидан, ҳурфикрли мунавварлар томонидан йўналтирилган эди. Бу жамоат ташкилотлари халқнинг орзу-умидларини, дардини англагани учун ҳам халқнинг идеалини аниқ ва лўнда ўртага қўя олди.

Бугун бундай ташкилотлар маданий-маърифий, тарихий,

ижтимоий, адабий, тил ёки газетачилик жамиятлари шаклида бўлиши мумкин. Шундай ташкилотлар бундан икки йил аввал қурила бошлаган эди, аммо тезда ёпиб ташланди.

Ёзувчилар юшмаси ҳам шундай ташкилот эди, афсуски, юшма энди иккига бўлинган ва обрў талашини, мукофот тақсимлаш билан овора бўлиб қолди.

Давлат бундай ташкилотларни ёпиши керак эмас, аксинча, қўллаб-қувватлаши керак. Давлат ўз мафкурасини шундай ташкилотлар тамалида яратмоғи лозим. Шундагина янги давлат халқ ичида ишонч қозона олади. Бу ишонч қозонилар экан, давлатнинг яна бир қиладиган иши бор: У яратилаётган мафкура учун иқтисодий-сиёсий замин ҳозирламоғи лозим. Яъни, биз юкорида айтган ислохотларсиз ҳар қандай чиройли сўз ёки жимжимадор ғоя таъсирсиз қолаверади.

Давлат миллатни ўз мафкурасига эргаштириши учун унга сиёсий ва иқтисодий озодлик бериши лозим. Зотан, фикри занжирбанд одам ўз миллатини сева олмайди, унинг учун фидокорлик кўрсатолмайди.

Қашшоқ одам ҳам шундай.

**“Эрк” партиясининг динга қарашлари**

“Эрк” партияси диний ташкилотларга тўла эркинлик бериш тарафдоридир. Чунки, кўксиди иймони бор, Оллоҳга ишонган одамларгина жамиятга фойда келтириши мумкин. Ҳатто фойда келтирмаганларида ҳам, лоақал, зарар келтирмайди. Бу фалсафа “Эрк” партиясининг динга муносабат тамалида ётади.

Хусусан, маърифатли дин пешволари биз куражак янги давлатнинг руҳан соғлом ўсишида ёрдамчи бўладилар. Юз йиллик асоратни бошдан кечирган миллатимиз қалбидаги инонч бўшлиғи покиза эътиқод-ла суғориш учун ғайрат кўрсатадилар.

“Ислом фундаментализми” деган нарсга ўйлаб чиқарилгандир. Умуман, бизнинг турк халқимиз табиатига диний радикалчилик ёт нарсадир. Зотан, боболаримиз ҳам ўтмишда диний жабҳада жохиллик сиёсатини юргизмаганлар.

Турк халқлари дунёга ислом динини тарқатишда олдинги сафларда юрди, бошқа мамлакатларни фатҳ этди, аммо

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

ҳар замон диний жохилликдан узоқ турди, ўз динини маърифий йўл билан тарғиб этди.

Бугун ўзини диндор деб билган баъзи дўстларимизнинг эркакларга “галстук тақсанг кофир бўласан” ёки аёлларга “паранжи ўрамасанг, кофир бўласан”, дейиши бироз ғалати кўринади. Чунки, иймон бизнинг бўйинбоғимизда эмас, юрагимизда яшайди. Ёки юрагида иймон ўрнида хирс яшаётган аёлга паранжи кийдирилса ҳам, бу – хирсга ўртук кийдирилгандай гапдир.

Ислом маърифатчилари тарбияси доим инсонларнинг ички дунёсига йўналтирилгандир. Ислом унсурлари асло паранжи ёки салла эмас, Оллоҳга инонч ва шу инончга хизмат этмақдир.

Бундан йигирма йил аввал Оврупода тўрт юз минг мусулмон бор эди. Бугун тўрт миллион мусулмон бор, кўпчилиги оврупои кишилардир. Бу одамлар ислом динига жўн тушунчали тарғиботлар таъсирида эмас, муқаддас Куръони Каримни ўқиб кирганлар. Ёки ўз динини чуқур англаган ислом маърифатчилари таъсирида бу динни қабул қилганлар.

Жўн тарғиботчилар исломга ҳамиша фойда ўрнига зарар келтирганлар. Ислом динининг аср бошида Туркистонда тушқун аҳволда қолганига ҳам ўша жўн фалсафа сабабчидир. Бу жўн муллалар ўрнатган “исломий мутелик” чор Русияси мустахлақасининг Туркистондаги умрини узайтиришга воситачи бўлди. Ваҳоланки, ислом мутелик дини эмасдир. Ислом – мардлик ва жасурлик динидир. Фақат ислом динигина Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга бош эгмасликни ўргатади. Фақат ислом Оллоҳдан бошқа ҳеч кимдан кўркмасликка чақиради.

Франсуз мустахлақасига қарши курашган Жазоир мужоҳиди Абдуқодир Ал Жазоирийдан Ғарб газетчилари “Нега сизнинг аскарларингиз ўлимдан кўркмайдилар?” деб сўрашганда, у:

“Чунки, менинг аскарларим Оллоҳга инонадилар, улар ўз ҳаётларининг душман кўлида эмас, Оллоҳ кўлида эканини биладилар, шундай экан, душмандан нега кўрксин?”, деб жавоб беради.

Фарзандларимиз шундай кучли эътиқодда тарбияланиши лозим.

1993, Декабр.  
facebook.com



## Ўлмаслиги мумкин бўлган ўликлар

5 декабрда Amnesty International инсон ҳуқуқлари ташкилоти ҳуқуқ ҳимоячиларининг ўлими ва уларнинг ўлдирилиши ҳолатлари кўпайиши тенденцияси мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳисоботини эълон қилди.

«Олдини олиш мумкин бўлган ўлимлар: Ҳуқуқ ҳимоячиларининг ўлдирилиши ва зўравонлик билан йўқ қилиниши» номли ҳисоботида Amnesty International қатор мамлакатларда ҳуқуқ ҳимоячилари ва фаол фуқароларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатининг муваффақиятсизликка учраганини кўрсатиб беради.

Ушбу ҳисобот Amnesty International нинг ўтган йил май ойида бошланган ва давлатларнинг ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятини тан олиш, ҳамда уларга хавфсиз ва қулай шарт-шароитларда ўз фаолиятини амалга ошириш имкониятини таъминлашни кўзда тутувчи «Жасорат» кампанияси доирасида эълон қилинди.

Бутун дунё бўйлаб ҳуқуқ ҳимоячилари таъқиб қилинмоқда, кўрқитилмоқда, жазога гирифтор қилинмоқда, адолатсиз судларга тортилмоқда, ҳибсга олинмоқда. Бу амалиётлар ҳамон давом этмоқда.

Ҳисоботда айтилишича, давлат ва нодавлат тузилмалари саъй-ҳаракатлари оқибатида минглаб ҳуқуқ ҳимоячиси ўлдирилмоқда, турли зўравонликларга дуч келмоқда. Уларнинг фаолияти нафақат тан олинмаяпти ва ҳимоя қилинмаяпти, балки улар жиноятчи, «хориж жтосуси», «халққа қарши шахслар», «террорчилар» сифатида талқин қилинмоқда, жамият тараққиёти ва анъанавий қадриятларга таҳдид ўлароқ кўрилмақда.

Бу қаби айбловлар уларнинг фаолиятига ишонччи барбод этаятир ва бошқа суиистеъмоликлар, ҳатто уларни ўлдириш ҳаракатларига ҳам йўл очиб бераётир.

Ҳисоботда асосий эътибор энг оғир жиноятлар – ҳуқуқ ҳимоячиларининг ўлдирилиши ва ғойиб бўлишига қаратилган. Бу ҳужумларнинг сабаби турлича бўлиши мумкин.

Масалан, айримлар инсон ҳуқуқларини бузаётган ҳукмрон доираларга қарши тураётган, хабар тарқатаётган ва жамоатчилик эътиборини тортаётган қонуний фаолияти учун ҳужумга дучор бўлмоқда.

Бошқалар эса жамиятдаги инсон ҳуқуқига қарши фикрлари ва ижтимоий нормаларга қарши исёни, қолаверса, айнан шундай фаолият билан шуғулланаётгани учун тазйиқ остида қолмоқда.

Ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячиси Нуриддин Жуманиёзов 2016 йил декабрда турмада ўлди. Унинг ўлими ҳақида фақат олти ойдан сўнг маълум бўлди.

У айна пайтда қамоқда қолаётган бошқа бир ҳуқуқ ҳимоячиси Фахриддин Тиллаев билан биргаликда Мардикорлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи мустақил касаба уюшмаси маркази тузишга уринганди.

Н.Жуманиёзов 2014 йил январда ҳибсга олинди. Унга ва Фахриддин Тиллаевга одам савдоси бўйича сохта айблов қўйилди. Улар адолатсиз суд ҳукми билан узоқ муддатларга қамок жазосига ҳукм қилинди.

Н.Жуманиёзов диабетнинг оғир тури билан оғриганди ва 2014 йил апрелда ўз адвокати Полина Браунерга дори сўраб мурожаат этганди. Аммо дорини етказиш ҳаракати вақтида масъуллар Н.Жуманиёзов турма шифохонасига ўтказилганини айтиб, унинг аслида қаерда экани ҳақида маълумот беришни рад этди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича таниқли адвокат саналган

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Полина Браунерг бу жиноят иши бўйича доимий тазйиқ остида бўлди ва 2017 йил майда инсультдан вафот этди.

Даволаниш учун хорижга чиқишга рухсат сураганида эса унга қамоққа олиш билан таҳдид қилинганди.

Ўзбекистонлик яна бир ҳуқуқ ҳимоячиси Абдурасул Худойназаров турмадан тиббий хулосалар асосида озод қилинганидан уч ҳафта ўтиб вафот этди. У охириги босқичдаги саратон, лимфома ва силга чалинганди.

Қамоқдалигида у қийноқларга дучор этилганди. Оила аъзоларининг билдиришича, у саратонга ва бошқа жиддий хасталикларга чалинганига, доимий тиббий қаровга муҳтожлигига қарамай, қамоқхона маъмурияти унга зарурий тиббий ёрдам кўрсатишни ҳар доим рад этиб келган.

Ҳибсга олинганига қадар А.Худойназаров «Эзгулик» инсон ҳуқуқлари ташкилоти аъзоси сифатида ҳамда ички ишлар ва хавфсизлик хизматидаги коррупцияга қарши фаолияти туфайли танилган инсон эди.

У 2005 йил июлда қамоққа олинган, таъмағирлик ва фирибгарлик айби билан тўққиз йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Кўпчилик бу ҳукм адолатсиз бўлгани, ундан ҳуқуқ ҳимоячиси сифатидаги фаолияти учун қасд олиш мақсадида чиқарилганини айтганди.

Яқинда эса марҳум диктатор Ислоҳ Каримов режимининг ашаддий танқидчиларидан бири Мурод Жўраев вафот этди. У Ўзбекистон турмасида энг узоқ ўтирган сиёсий маҳбуслардан бири эди.

**Манба: eltuz.com**

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон марҳум президентининг кўеви Тимур Тиллаевга қарашли Абу Сахий компанияси бир қўлдан бошқасига ўтмоқда. Бундай жараён бораётганини тасдиқлаган Тимур Тиллаев адвокати, бошқа тафсилотларни очиқламади.

### Бир жумла жавоб

11 декабрь куни “Озодлик” радиосига йўллаган электрон жавобида Тимур Тиллаев ва Лола Каримова-Тиллаеваларнинг АҚШдаги адвокати Mark F. Raymond “сўровингизга нисбатан эгаликнинг ўзгариш жараёни бораётганини билдираман” деб ёзди.

Айни пайтда, Тиллаев(а)лар адвокати “Озодлик” радиосининг мавзу юзасидан 8 декабрь куни юборган бошқа саволлари, хусусан, ширкат эгаси ўзгараётгани унинг карго хизматларига қандай таъсир этиши ҳақидаги саволини жавобсиз қолдирди.

### Абу Сахийга топширилган импорт молларидан дарак йўқ

Утган ҳафта “Озодлик” радиосига мурожаат қилган ширкат карго хизмати мижозлари, яна хориждан Абу Сахий орқали мол олиб келиш тўхтаб қолганини билдирди.

“Абу Сахий каргоси ёпилпти. Хитойдан мол урган тадбиркорлар молини ололмай юришибти. Гапларига қараганда, карго фуралари Қорасувда туриб қолган. Карго ходимларидан сўрашса, батамом ёпилдик, нима бўлишини билмаймиз деяпти”, деб ёзди Абу Сахийнинг исми очиқланишини истамаган мижозларидан бири.

“Озодлик” радиоси суҳбатлашган бошқа бир тадбиркор ҳам, Хитойдан Абу Сахий орқали юборилган электроника товарларини ола олмади, асабийлашаётганини билдирди.

“Ҳар кун телефон қиламиз. Ана келаяпти, мана келаяпти дейди. Бугун (14 декабрь

## “Абу Сахий” эгаси ўзгармоқда

-тахр.) гаплашсак, моллар ҳали Қирғизистондан Ўзбекистонга ўтмаган. Ҳафта охиригача кеп қолар, деган мужмал гап қилишди. Утган йилгидек яна Янги йил олди товарсиз қоладиганга ўхшаймиз,” деди Абу Сахий бозорида савдо қилиб келаётган бу тадбиркор.

Утган ой Урумчидаги Абу Сахий омборига юк топширишга борган бошқа бир савдогарга кўра, ширкатнинг Хитойдаги хизматчилари Тошкентга юбориш учун юк олган, аммо товарларнинг қачон етказиб берилиши, умуман етказиб берилиш-берилмаслиги борасида кафолат йўқлигини билдирган.

Ана шундай мавҳумлик вазиятида, Абу Сахий хизматчилари товар топширган савдогарлар юкини қабул қилиш учун “ҳеч қандай даъво қилмайман” деган тилхатга қўл қўйдиришмоқда, деган бу савдогар ўзига берилган тилхат нусхасини “Озодлик” радиосига йўллади.

### Абу Сахий – Буюк ипак йўлига айланадими?

“Озодлик” радиоси боғланган айрим Абу Сахий мижозлари, импорт юklarининг Тошкентга олиб келинишидаги муаммоларнинг ширкат эгаси ўзгаргани билан боғлиқлигини тахмин қилишди.

“Айтишларича, эгаси ўзгарипти. Каримовнинг кўеви уни сотипти. Янги йилдан янги ном билан иш бошлайди, дейишяпти. Баъзилар, янги ширкатнинг карго хизматлари камида 20 фоизга қимматлайди, зато савдогарларга растаможка қоғозини беради, деяпти. Аниқ гап йўқ лекин”, деди йиллардан бери Абу Сахий орқали Хитойдан товар олиб кириш билан шуғулланаётган савдогарлардан бири.

Бу суҳбатдошнинг билдиришича, Абу Сахий мижозларига 2018 йил

январь ойдан бунақа номдаги ширкат бўлмаслиги, унинг ўрнига Буюк ипак йўли ширкати фаолият бошлаши оғзаки айтилган, бироқ Абу Сахийнинг Буюк ипак йўли деган ном билан фаолиятини давом эттиришини тасдиқловчи бирор ҳужжат кўрсатилмаган.

“Озодлик” радиоси мурожаат қилган Тимур Тиллаев адвокати Абу Сахийнинг янги эгаси ширкат фаолиятини Буюк ипак йўли деган ном остида давом эттириши ҳақидаги хабарни на тасдиқлади, на инкор қилди – уни шунчаки жавобсиз қолдирди.

Очиқ Интернет манбаларидан Ўзбекистонда “Буюк ипак йўли” деган ном остида фаолият юрғизаётган очиқ акциядорлик жамиятининг Фарғона шаҳар М. Қосимов кўчаси 139-уйда рўйхатга олингани, ширкатнинг ҳайвон жунидан олинадиган тола ва ипак толаси ишлаб чиқариш билан шуғулланиши айтилган.

Айни пайтда, Қўқонда мустақилликдан сўнг “жаҳон бозори” номи билан танилган йирик кийим-кечак бозори ҳам “Буюк ипак йўли” савдо комплекси деб аталади. Фарғона вилоятидаги айни номдаги бу икки юридик шахснинг бир-бирига, қолаверса, Абу Сахийнинг янгиланаётган мулкдорига алоқаси бор-йўқлиги “Озодлик” радиосига ҳозирча маълум эмас.

Ўзбекистон 1-президентининг кенжа қизи Лола Каримовага уйланган Тимур Тиллаев томонидан 2006 йилда ташкил этилган Абу Сахий ширкати Ўзбекистонга импорт товарларини олиб кирувчи энг йирик компанияга айланди.

Каримов ҳукмронлиги даврида Тошкент фарбидаги 25 гектарлик ҳудудда жойлашган айни номдаги бозор нафақат пойтахт, балки бутун Ўзбекистонни импорт маҳсулотлари билан таъминловчи энг йирик улгуржи бозорга айланган.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



## Адвокат: “Менинг фикримча, Абдуллаевнинг “айбини қисман тан олиши” унга қўйилаётган 159-модда, 4-банд бўйича жиноят содир этганини англатмайди”

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдаришга уринганликда айбланаётган журналист Бобомурод Абдуллаев 14 декабрда уни бориб кўрган адвокати Сергей Майоровга ўзига қўйилаётган айбни қисман тан олишини айтган. Бу ҳақда Сергей Майоров 15 декабр куни Озодлик билан суҳбатда маълум қилди. Майоровга кўра, ўз мижози танасида қийноқ белгилари кўрмаган, Абдуллаевни ўзи ҳам жисмоний ва руҳий босимлардан шикоят қилмаган.

Тошкентдаги “SIMAY KOM” адвокатлик ширкати раҳбари Сергей Майоров МХХнинг собиқ Гвардейская кўчасидаги тергов изоляторида журналист Бобомурод Абдуллаев билан терговчи иштирокида бир соатча суҳбатлашганини Озодликка маълум қилди.

Майоров сўзларига кўра, суҳбат чоғида Абдуллаев “Усмон Ҳакназар” тахаллуси остида Ўзбекистондаги аввалги режимга қарши мақолалар ёзганини тасдиқлаган ва ўзини “қисман айбдор” деб ҳисоблашини айтган.

– У айбини қисман тан олишини менга тушунтирди. Бобомурод ўзининг мақоласи

ёки мақолаларида эски режимни фақат куч билан ағдариш мумкинлиги ҳақида ёзгани ва ўзи ҳам олдинги режим ағдарилиши тарафдори бўлганини очиқ эътироф этди. Лекин, менинг фикримча, Абдуллаевнинг айбини қисман тан олиши унга қўйилаётган 159-модда, 4-банд бўйича жиноят содир этганини англатмайди. У ўз хатти-ҳаракатини нотўғри талқин этаётган бўлиши мумкин. Менинг ишонишимча, у ўзига қўйилаётган айб бўйича жиноят содир этмаган. Бундан ташқари, Бобомурод Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбарига нисбатан қарши ижобий экани ва бу ҳақда ўз мақолаларида ёзганини ва ҳозир ҳам шундай фикрда эканини айтди, – дейди Майоров.

Сергей Майоров ўз мижози Бобомурод Абдуллаевда жисмоний ёки руҳий қийноқ белгиларини пайқамаганини илова қилди.

– Кўриниши яхши, сочлари қирилган, соқоли олинган, усти тоза. Овқат ва шароитлардан шикоят қилмади. У мен билан суҳбатда оиласи ҳақида кўп сўради. Мени ўзим унда қийноқ ёки руҳий босим белгиларини кўрмадим, – дейди Майоров.

Адвокат Сергей Майоров ўз мижозига 35дан ортиқ халқаро ташкилот унинг ҳимояси учун

курашаётгани ва ҳукуматни уни зудлик билан озод қилишга чақираётганини маълум қилган.

– Руҳий дастак жиҳатдан бу учрашув фойдали бўлди, деб ҳисоблайман. Чунки, Бобомурод 35дан ортиқ халқаро ташкилоти унинг ҳимоясига оёққатурганини мендан эшитди. Бундан ташқари оиласини аҳволи ҳақида ҳам мендан маълумот олди, – дейди Майоров.

Бобомурод Абдуллаев ҳибсга олинганидан икки ярим ой ўтиб иккинчи бор адвокати билан учраштирилди.

Бундан аввал адвокат Тўлқин Орифжонов 14 ноябрь куни Абдуллаев ёнига кириб чиққан эди ва ўшанда ҳам журналист шикояти йўқлигини айтганди.

44 ёшли журналист Бобомурод Абдуллаев бир қатор мустақил нашрлар, хусусан “Фарғона” ахборот агентлиги билан ҳамкорлик қилган, шунингдек спорт шарҳловчиси сифатида ҳам танилган.

27 сентябрь куни таъмирга берган машинасини устхонадан олиш учун уйдан чиқиб кетганича бедарак йўқолган Абдуллаевнинг орадан бир кун ўтиб Тошкентдаги Миллий хавфсизлик хизмати изоляторида экани маълум бўлди.

1 октябрь куни Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди журналистга нисбатан Жиноят Кодексининг 159-банд 4-қисми билан айблов эълон қилди.

Журналист расман 2011 йилдан “Усмон Ҳакназаров” имзоси остида “амалдаги тузумни ўзгартиришга чақирувчи” мақолалар чоп этиш ва Ўзбекистонда “инқилоб қилиш”га уринишда гумонланмоқда.

Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси, Чегара билмас мухбирлар, Халқаро Пен клуб, Amnesty International ва Human Rights Watch ташкилотлари журналист Бобомурод Абдуллаевни озод қилиш талаби билан чиққан.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ химоячилари ташаббускор гуруҳига, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 6-қартал, 32-уй, 14-хонадонда яшовчи, 3 та вояга етмаган фарзанднинг онаси Ўзбекистон ватандош Узокова Умида Абдурахмоновна мурожаат қилди. Узокова ҳозирда Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Гулобод Ц-26 массиви, 5-уй, 27-хонадонда уй қамоғида сақланмоқда.

Умида Узоқованинг таъкидлашича, 2017 йилнинг 13 ноябр куни унинг Сирғали туманидаги уйига Тошкент шаҳар ИИБнинг 20 та ча ходими бостириб кириб, тинтув ўтказишган. Сўнгра Узоқовани Тошкент шаҳар ИИБнинг тергов изоляторига олиб кетиб, варақалар тарқатишда, “Хизб ут-Тахрир” бўйича дарслар олганликда ва ушбу ташкилотга қасамд келтирганликда айблаб тергов қила бошлашган. Узокова ўзига қўйилаётган барча айбларни рад қилган ва ИИБ ходимлари ноқонуний тарзда қўлга олинган аёлга таҳдид қилиб, агарда ўзига қўйилаётган айбларни тан олувчи кўрсатма бермаса, у холда уни:

– яланғоч холда видео камерага ёзиб олиб, сўнгра Интернетда тарқатиб шарманда қилиш

– ертўладаги қамоқхонада ётган ваҳший жиноятчилар орасига ташлаб, онаси ва эрининг кўз ўнгида уларга зўрлаттириш билан кўрkitмоқчи бўлишган.

Шу тарзда, Тошкент шаҳар ИИБнинг “терроризм ва экстремизмга қарши кураш” бўлими ходимлари томонидан диний ваҳшлар билан қўлга олинган, ҳибс қилинган ва айбланаётган ватандошлардан қийноқлар қўллаш йўли билан айбни таш олиш кўрсатмалари олинмоқда.

Тошкент шаҳар ИИБ Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига “хавфли жиноятчилар, диний экстремистлар қўлга олинганлиги ҳақда” баёнот беришда давом этиб келмоқда. Қолаверса ушбу баёнотлар ОАВга тайёр матн кўринишида берилмоқда. Биринчи бўлиб бу ҳақдаги мақолани “ЎЗА” ахборот агентлиги томонидан эълон қилинган эди. Муаллиф Нормул Абдураимова ҳеч қандай журналистик тергов ўтказмаган ва мақола тўхматдан иборатдир. Ушбу мақолага нисбатан, ўз журналистик терговидан сўнг Би-Би-Си ўзбек хизматида танқидий мақола чоп этилган.



## ИИБда жиноят ишларининг сохталаштирилиши ҳамда қийноқ, таҳдид, психологик таъсир ўтказиш фактлари ва ўзбек оммавий ахборот воситаларининг сотқинлиги

“Шайхонтохур туманида экстремист айл қўлга олинди” номли мақола “ЎЗА”да чоп этилган, UzNews.uz, Sputnik ва шу каби бошқа маҳаллий оммавий ахборот воситалири ҳам қўшилиб, ҳеч қандай журналистик тергови ўтказмай туриб хабар тарқатишган, бу эса ОАВ ҳақидаги Қонунга зид ва бу нашрлар жавобга тортилиши керак, чунки уларнинг мақолалари буюртма ва очик тухматдир.

Аслида, ўзбек оммавий ахборот воситалари кўпинча президентни ва ҳукуматни мақтовчи мақолалар, ҳамда МХХ, ИИБнинг буюртма материалларини эълон қилиб, ҳеч қачон жиддий материаллар чоп қилмайди.

2017 йил 30 ноябр кунги Ўзбекистон президентининг ПФ-5268-сонли Фармонида шундай дейилади:

Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

– жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйик ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда; – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

– жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалғитган ҳолда;

мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида;

– номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

– дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан;

– мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин.

Шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбақлаштирганлик учун, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда, жиноий жавобгарлик киритилсин.

Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббускор гуруҳи

Ўзбекистон республикаси Бош прокурори Абдуллаев И.Б.га, Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазири Бобожонов П.Р.га мурожаат қилиб:

Ушбу уш бўйича Тошкент шаҳар

ИИБсида юз бераётган ноқонуний қўлга олиш ва ҳибс қилишлар, қийноқлар ва руҳий таҳдидлар қўллаш, шунингдек айбланувчилар сифатида била туриб айбсиз кишиларни жалб қилиб, жиноят ишларини сохталашириш ҳолатлари бўйича дарҳол тергов ўтказишни сўраймиз.

Мурожаат бўйича ҳаракатсизлик ёки тегишли чоралар кўрилмаган тақдирда, Ўзбекистон республикаси президенти Шавкат Мирзиёев ПФ-

5268-сонли Фармонига қарши саботаж ёки эътиборсизлик факти билан президентга мурожаат қилиш ҳуқуқини сақлаб қоламиз.

18.12.2017 й.  
Сурат Икромов

Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббускор гуруҳи раиси  
E-mail: surat.i@rambler.ru,  
suratikramov@gmail.com

## Бечора ўзбекнинг орзуси – арзон қозоқ бозорига ўтиш!

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Янги йил арафасида ўзбек-қозоқ чегарасидаги Гишткўприк (Черняевка) назорат-ўтказиш пунктида турнақатор навбат юзага келган. Чегаранинг Қозоғистон томонида жойлашган бозордаги нарх-навонинг Тошкент шаҳри ва вилояти бозорларидан 30-40 фоиз арзонлиги, ўзбекистонликларни янги йил дастурхонини тўлдириш мақсадида чегарадан ўтишга рағбатлантирмоқда.

### Турнақатор навбат

Айни кунларда Гишткўприк постидан ўтиб-қайтган бир неча нафар ўзбекистонлик Озодликка мурожаат қилиб, чегарада узундан-узун навбат юзага келгани, одамлар соатлаб тик оёқда туришга мажбур қолаётганидан шикоят қилди.

“Эрталаб соат 7 да борсангиз, фақат туш пайти чегарадан ўта оласиз. Бир тарафга ўтиш учун 5-6 соат давомида тик оёқда турасиз. Тиқилинча ёши катталар, аёллар, болалар қийналиб қолаяпти”, дейди куни-кеча “Гишткўприк” постидан ўтиб-қайтган тошкентлик йигит.

У чегарадаги турнақатор навбат акс этган видеотасвирни ҳам Озодликка йўллади.

Бошқа бир ўзбекистонлик эса Гишткўприк постига борган пайти олган фотосуратларни Озодликка жўнатди. Бу суратларда ҳам чегара пости коридорларидаги узундан-узун навбат акс этган.

Тошкентлик мустақил журанлист Абдурахмон Ташанов ҳам 19 декабрь куни Гишткўприк постига бориб, одам кўплиги боис ортага қайтиб келганини айтади:

– Мен янги йилга бозор- ўчар қилиш учун қозоқ бозорига ўтмоқчи эдим. Соат 11 ларда Гишткўприк

постига борсам, ниҳоятда одам кўп. Чамалашим бўйича, 2 мингга яқин одам навбатда турибди. Жонли навбат, одамлар келиб кўшилаяпти. Мен “ҳозир навбатга турсам, қачон навбатим келади?” десам, “кечга яқин Қозоғистон томонига ўтасиз” дейишди. 5-6 соат навбат кутиш керак, – деди Ташанов Озодлик билан суҳбатда.

Чегарадаги навбат мавзуси ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокама қилинмоқда. Жумладан, Фейсбук тармоғига @Мамедов Баҳадур томонидан “Халқ билан мулоқот” саҳифасига жойланган видеода ҳам Гишткўприк постидаги турнақатор навбат тасвирланган.

15 декабр куни Гишткўприк чегара постига сингисини кутиб олишга борганини ёзган @Мамедов Баҳадур одамлар совуқда навбат кутиб қолаётганини танқид қилган.

“Ватандошлар устидан бу каби кулиш қачон тўхтайтиди? Божхоначиларимиз сунъий навбатлар яратишади. Одамлар совуқда турибди. Навбатда туриб қийналаётган одамларга яна божхоначилар бақиради. Ким сизга уларга бақаришга ҳуқуқ берди, сурбетлар? Навбатда турган бир аёлнинг соғлиги ёмонлашиб қолди. Аёлга биринчи ёрдам кўрсатиш учун чегарада бирорта ҳам шифокор топилмади”, дея ёзди @Мамедов Баҳадур Фейсбук орқали.

### Бозор-ўчар учун Қозоғистонга қатнаётганлар

Озодликка боғланган ўзбекистонликларга кўра, кейинги пайтларда Тошкент ва унинг атрофида яшовчи аҳоли орасида кундалик харажат учун Қозоғистон бозорларига қатнаш тенденцияси кучайган.

Ўзбек-қозоқ чегарасининг

Қозоғистон томонидаги бозордаги нарх-навонинг Ўзбекистондагига нисбатан 30-40 фоизга арзонлиги айрим айрим тошкентликларни Гишткўприк постидаги кунда-шундаларга айлантирган.

Чегарадаги вазиятга бевосита гувоҳ бўлган журналист Абдурахмон Ташанов, бундай ўтиб-қайтишнинг, айниқса, янги йил байрами арафасида кучайганини айтади:

– Колбаса маҳсулотлари, конфетлар, ёғлар. Одамлар олиб келаётган маҳсулотларнинг рўйхаги унчалик катта эмас. Чегарадаги навбат айни кунларда янги йил билан боғлиқ. Бир ой аввал чегарадан ўтганимда, бу каби навбат йўқ эди. Ўзи одатда Ўзбекистон ичкарасидаги бозорларда ҳам янги йил арафаси жуда тиқилинч бўлади, – дейди Ташанов.

Тошкент вилоят Божхона бошқармаси ходими ҳам Озодлик билан суҳбатда Гишткўприк постидаги вазиятни янги йил билан боғлаб, ҳар йили ушбу байрам олди чегарада шу каби вазият кузатилишини айтди.

Ўзбекистонда белгиланган тартибга кўра, чегарадош давлатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Туркманистондан 10 доллардан зиёд нархда товар олиб келинса, бож тўлови жорий қилинган.

Жорий ой бошида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида одамлар кўп қатнайдиган ва тикин бўладиган чегара ўтказиш пунктларини кенгайтириш ҳамда қайта куриш бўйича ишлар 2018 -2019 йилларда амалга оширилиши хабар қилинди.

ЎХХ хабарлар бўлими





## Диний айблар билан қамалганлар афв этиладими?

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, президент Мирзиёев 2700 нафар судланганларни афв этиш тўғрисидаги фармонни Ўзбекистон тарихида мисли кузатилмаган ҳужжат деб таърифлаган.

Фармон диний айбловлар билан айбланиб узоқ йилларга қамок жазосига ҳукм қилинган маҳбусларга нисбатан ҳам қўлланилди, деган савол афтидан ҳамон очиқ қолмоқда.

Фармон имзоланган кундан бошлаб Ички ишлар вазирлиги қошидаги Жазони ижро этиш бош бошқармаси биноси олдида диний айблар билан қамалганлар яқинларининг кети узилмагани хабар қилинмоқда.

Бошқарма ходимлари аввалига йиғилганларнинг ҳужжатларини олиб афвга тушган ёки тушмаганини текшириб беришган. Аммо кейинчалик афвга тушганлар қамокдан чиқиб бўлди, қолгани тушгани йўқ деган жавобни беришган.

“Жуда ҳам кўп ота-оналар бир неча кундан бери ўша ерда туришибди. Бошида текширишди, кейин ҳаммага умумий қилиб, афвга тушганлар чиқиб бўлди, деган жавобни беришяпти. Норози ота-оналар Президент девонига бориб аниқлик киритишни сўрамоқчимиз”, дейди 16 йилга қамалган ўғлини 17 йилдан бери очикликка чиқишини кутаётган Гулчаш Содиқова.

Хуқук ҳимоячиси Шухрат Рустамовга 50 дан ортиқ диний айбловлар билан қамалганларнинг яқинлари ҳуқуқий ёрдам сўраб

мурожаат қилган.

“Мендан ҳуқуқий ёрдам сўраганлардан бирортасининг ҳам яқини Президент эълон қилган афвга тушгани йўқ. Ўзи бу афв фармони ҳам амнистия каби ўта мавҳум ва шубҳали. Бирор жойда авфга тушганларнинг рўйхати эълон қилингани йўқ. Бу ҳам коррупциядан дарак беради”, дейди Шухрат Рустамов.

Ижтимоий тармоқларда ўнлаб диний айб билан қамалганларнинг озодликка чиққани ҳақида хабарлар босилди.

“Алҳамдулиллаҳ, кеча чиққан қори укамизни зиёрат қилдик. Айтишларича, яна 27 биродар озодликка чиқибди”, деб ёзди Баҳодир Аҳмад

Бирок бу хабарларда ушбу одамлар қамок муддатини ўтаб бўлгани учун ёки авфга тушгани учун озодликка чиққанлигига аниқлик киритилмаган.

Айрим изоҳ қолдирувчилар ўтган йили диний айблар билан қамалганларнинг афвга илингани ҳақида ёзган. Бирок ушбу хабарларни тасдиқлашнинг имкони бўлмади.

### Фақат муддатини ўтаб бўлганлар чиқяптими?

Андижон ҳодисалари вақтида озод қилинган 23 тадбиркордан бирининг Би-би-си Ўзбек хизматига айтишича, озодликка чиққанлар орасида анжидонликлар ҳам бор.

“Мени эшитганим уч-тўрт киши муддати тугаб озодликка чиқишди. Мени тоғам ҳам шулардан биттаси, биз ҳам хурсанд булдик. Андижондаги қўшнилари муддатига

қўшиб берилганлар ҳам чиқаркан дейишяпти экан аммо бунақасини ҳали эшитмадим”, дейди ҳозир Европа давлатларининг бирида истиқомат қилаётган ўзбекистонлик.

Тошкентдан ҳуқук фаоли Сурат Икромов унга мурожаат қилган диндорларнинг бирортаси ҳам муддатидан олдин афвга тушмаганини айтади.

“Қамокда ўтирган диндорларнинг кўпчилиги туҳмат сабаб тушган. Лекин уларга афв қўлланилгани йўқ. Бирок муддатини ўтаб бўлганларга кўшимча жазо берилмасдан ўшаларнинг айримлари чиқаётган экан. Улар шунинг учун ҳам хурсанд бўлиб ўтиришибди”, – дейди у.

Хуқуқбоннинг айтишича, кўпчилик диндорлар жазо муддатини ўтаган бўлса-да, “қамокхона тартибини бузди” деган айб билан яна 3 йил қамокка ҳукм қилинади. Унинг таъкидлашича, 5 марталаб қамок муддатини чўзилган диндорлар бор.

Сурат Икромов диндорларнинг афв ёки амнистияга тушмаслик сабабини уларга қўйиладиган Жиноят кодексидagi 159 ва 244 – моддаларнинг “ўта оғир жиноят” деб таснифланиши билан изоҳлайди.

“Диндорларни амнистия ёки афвга тушурмайди, чунки унга ўта оғир жиноят содир қилмаган маҳбуслар киртилиши белгилаб қўйилган. Диндорларни эса ўта оғир жиноятчи, деб қамашади. Шу сабабдан Жиноят кодексининг 99-моддасидagi одам ўлдириш жинояти билан қамалганлар амнистияга илиниши мумкин, аммо диндорлар илинмайди”, дейди у.

Хуқук ҳимоячисининг таъкидлашича, диний айбловлар билан қамокда ўтирганларнинг амнистия ёки афвга тушиши учун уларга қўйилган моддалардаги “ўта оғир жиноят” тамғасини қонуний асосда олиб ташланиши керак.

Би-би-си Ўзбек хизмати Ички ишлар вазирлиги қошидаги жазони ижро этиш бош бошқармасига боғланиб ушбу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилди.

Бирок одатдагидай Ички ишлар вазирлиги билан боғланиш уринишларимиз зое кетди.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ўртача иш ҳақи бугунда 1 миллион сўм 346 сўмни ташкил қилади.

Қўмига кўра, ойлик иш ҳақининг айни кўринишдаги ўртача миқдори жорий йилнинг январидан сентябригача бўлган даврни кўзда тутди.

келмайди”, – дейди у.

“Кейин бизда яширин иқтисодимизни кучайтириб берадиган бир табақа бор. Уларнинг олдида мен, керак бўлса, доимо бош эгиб келаман. У – “россиячилар”. Қўлидан бир ҳунар, иш келадиган одам Россияга борапти ва уйига ойида камида, йўқ деганда, 300-400 доллар жўнатаяпти. Ташқарига бориб, ишлаб келаётганларнинг

режалаётгани маълум эмас.

Россия иқтисодининг секинлашиши ва ғарбнинг Москвага қарши жазо чоралари Ўзбекистондаги аҳоли даромадлари ва инфляцияга қандай таъсир кўрсатиши борасида расмий ҳисоб-китоб ва башоратлар ҳам мавжуд эмас.

Юз минглаб ўзбек оилалари кундалик тирикчилик учун

## Ўзбекистонда ўртача иш ҳақининг қанча экани расман маълум қилинди

Бу каби тафсилотлар Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси вакиллари иштирокида 14 декабрь куни Халқаро Пресс-клубнинг Тошкентда бўлиб ўтган йиғини чоғида маълум бўлган.

Расмий хабарларга кўра, эълон қилинган мазкур рақамлар Ўзбекистонда ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан ўртача иш ҳақининг 14.2 фоизга ошганига далолат қилади.

Сўнгги янгиликка муносабат билдирган риштонлик фаол ва журналист Баҳодир Элибоевнинг Би-би-си Ўзбек Хизмати билан суҳбатида айтишича, “бунча миқдордаги ойликка яшашнинг имконсизлигини уларнинг ўзлари ҳам билишади”.

### Ўртача ойлик...

“Мисол учун, ўртача иш ҳақи оладиган бир давлат ишчисини оладиган бўлсак, ҳисоблагични олиб ташлаб, ойлик тўловига ўтган бўлса, 250 минг сўм газга тўлайди. 100 минг сўм атрофида “свет”га тўлайди. Ахлатга, сувга 20 минг сўм тўлайди. Бир қоп унни ўзингиз кўраяпсиз, баҳоси 100 минг сўмдан ошқироқ бўлиб турибди. Кийим-кечакларни кўраяпсиз, нархи осмонда... Албатта, бу битта ўзига. Яна у пластик: Бу “поход”дан кейин, яна обуна, деган нима бор, ундан кейинги юкланмалар яъни...”профсоюз” ва ҳоказо... Ушланмалардан кўлингизга тегадигани 1 миллион 900 минг сўм бўлиб қолади, у 1 миллион 300 сўм бўлган тақдирда ҳам...”, – дейди бу суҳбатдошимиз.

Унинг айтишича, “ҳозирда давлат ишида ишлаётганлар, айниқса, шифокорлар, ўқитувчилар, боғча тарбиячилари ростдан ҳам танг аҳволда қолишган”.

“Лекин нима қилишсин, қўлларидан бошқа бир иш

ҳисобига ҳам, халқимиз анча яхши яшаяпти”, – дея қўшимча қилади бу суҳбатдошимиз.

Унга кўра, ҳозир “агар 3 миллион сўм ойлик маоши олса, бу Ватан ростдан ҳам ўзимизники бўлибди, дея ҳамма фахрланиб гапира олади”.

Ўзбекистонда маошлар, нафақалар, стипендиялар ва имтиёзлар сўнгги бор 1 декабрда оширилган.

Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрда имзолаган фармонига кўра, бу миқдор ўртача 15 фоизни ташкил этган.

Бу – Мирзиёев президент этиб сайланган ўтган декабрь ойдан буён Ўзбекистонда маошларнинг илк бор оширилиши бўлганди.

### Аммо

Ўзбекистонда аҳоли маошларнинг ошиши ҳақидаги янгиликни кўпинча хавотир билан қарши олади, сабаби нарх-навонинг ошиб кетишидир.

Маошлар билан бирга, баъзан эса маошлардан аввалроқ нафақат бозордаги маҳсулотлар, балки коммунал тўловлар ва жамоат транспорти нархлари ҳам кўтарилади.

Қиш мавсумида эса газ ва электр тақчиллиги оилалар зиммасига хонадонларни иситиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни ҳам юклайди.

Мутахассисларга кўра, сўнгги йилларда Россиядан меҳнат муҳожирлари юбораётган пуллар ўзбек сўмини бутунлай барбод бўлишдан асраб қолган.

Аммо рублнинг қадрсизланиши Ўзбекистонга юборилаётган маблағларнинг камайишини англатади.

Хукумат бу каби вазиятда сўмнинг қийматини ушлаб туриш учун қандай чоралар кўришни

Россияда ишлаб топилаётган пулларга қараб қолган.

Федерал Муҳожирлик Хизматининг билдиришича, ҳозир Россиядаги ўзбек муҳожирларининг сони расман икки миллионга яқин.

Бу МДХ давлатлари орасида энг катта рақамлардан бири бўлади.

### “Яшаш учун энг қиммат”

Numbeo портали тузган 2016 йилги “Cost of Living Index” рейтингига Ўзбекистон яшаш қиммат бўлган давлатлар рўйхатидан ўрин олган.

112 давлатдаги истеъмол нархлари, турар-жой ижараси ва озиқ-овқат ҳамда аҳолининг харид қобилияти сингари омиллар ҳисобга олинган рўйхатда Ўзбекистон 51-ўринни эгаллаган.

Шу тариқа Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида яшаш учун энг қиммат мамлакат деб топилган.

Тадқиқотга Нью-Йоркдаги нархлар асос қилиб олинган.

Унда масалан, Нью-Йоркдаги нархлар 100 фоиз деб ҳисобланса, 70 фоизлик индексни эгаллаган мамлакатдаги нарх-наво Нью-Йоркка нисбатан 30 фоизга арзон деганидир.

120 фоизлик индекс эса харажатлар 20 фоиз кўплигини англатади. Рейтинга мувофиқ, Ўзбекистондаги нархлар Нью-Йоркдаги умумий нархларнинг 44,67 фоизини ташкил этган.

Мисол учун, Қозоғистонда бу нисбат 26,82, Озарбайжонда эса 28,93 фоизга тенг.

Ўтган йилги рейтингда Ўзбекистон 55,92 фоиз кўрсаткич билан 59-ўринни эгаллаганди.

“Cost of Living Index” га кўра, дунёнинг яшаш энг арзон бўлган давлатлари Ҳиндистон, Молдова ҳамда Покистондир.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

14 декабрь куни HRW тадқиқотчиси Стив Свердлов Ўзбекистондаги расмий матбуотнинг иккиюзламачилиги ҳақида мақола чоп қилди.

Podrobno.uz сайтида 5 декабрда чоп қилинган «Хьюман райтс воч»нинг Ўзбекистондаги фаолияти хусусида берган ўз интервьюсини кўриб, тадқиқотчи Ўзбекистондаги цензурани танасида ҳис қилганини ёзади.

«Энг қизиғи, умуман суҳбатнинг эълон қилиниши бўлди. Расмий рўйхатдан ўтган ОАВ шу пайтгача мустақил инсон ҳуқуқлари гуруҳининг ишини ёритмаган, аммо бизнинг танқидий ҳисоботларимизни фақат расмий рад этиб келаётган эди», дея ёзади Свердлов. Тадқиқотчи ўз мақоласида Мирзиёев

## Ўзбекистонда цензура ҳали ҳам тирик ва кучли

даврида озроқ олдинга силжиш бўлганини айтиб, айни пайтда Ўзбекистоннинг ривожланишига ҳали анча борлигини таассуф билан қайд этади. Бунга у журналист Бобомурод Абдуллаевнинг қамалиши, Туркиядан қайтган ёзувчи Нурилла Отахоновнинг уй қамоғига олинишини мисол келтиради.

«Podrobno.uz сайтида мен қайд этган ижобий ўзгаришлар, жумладан, сиёсий маҳкумларнинг озод қилингани ҳақидаги гапларим ўзгармаган. Лекин яқинда ҳибсга олинган журналистлар, қийноқларнинг кенг қўлланилаётгани, мажбурий меҳнат

ва фуқаролик жамиятига нисбатан чекловлар ҳақидаги танқидлар олиб ташланган.

Қисқа қилиб айтганда, ўз-ўзини цензура қилиш Ўзбекистонда ҳали ҳам тирик ва кучли.

Бу инцидент бизга Ўзбекистонда эълон қилинган ислохотлар катта ўзгаришларга олиб келмаётганидан далолат беради. Президент Мирзиёев лўнда қилиб айтиши керакки, давлат сиёсати танқидига нафақат тоқат қилиниши, балки олқишланиши лозим. Бу ўтмишнинг қоронғу меросини тарқ қилишнинг ягона усулидир», дейди Свердлов.

Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)

## Ислом Каримов ва Гулнора Каримова АҚШ қора рўйхатига киритилди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, АҚШ Молия вазирлиги томонидан коррупция ва инсон ҳақларини топтаган шахслар рўйхатига Ўзбекистон марҳум президенти Ислом Каримов ва унинг тўнғич қизи Гулнора Каримова ҳам киритилди.

Ислом Каримов ҳокимияти давомида инсон ҳақларини мунтазам топтагани, Гулнора Каримова эса, отаси даврида кенг қўламли коррупцияга масъул деб кўрилгани учун, инсон ҳақлари гуруҳлари сўрови билан мазкур рўйхатга киритилди.

Глобал Магнитский актига мувофиқ тузиладиган мазкур рўйхатга янги киритилган 52 шахс рўйхати 21 декабрь куни эълон қилинди.

Бу рўйхатда Россия Бош прокурори Юрий Чайканинг ўғли Артём Чайка, Украина, Покистон ва Мянма расмийлари ҳам бор.

20 декабрь куни Молия вазирлиги Магнитский акти бўйича беш россиялик, хусусан, Чеченистон президенти Рамзан Қодировнинг ҳам санкцияга учраганлар рўйхатига киритилганини эълон қилди.

“Магнитский рўйхати” АҚШ Конгрессининг 2012 йилги “Магнитский акти” асосида тузиладиган рўйхат бўлиб, АҚШ Молия вазирлиги унга кенг қўламли коррупция ва инсон ҳуқуқларини топташга бевосита алоқадор шахсларни киритиб келмоқда.

Hermitage Capital жамғармаси юристи бўлган Сергей Магнитский Россия бюджетидан катта миқдордаги маблағ ўғирланаётганини фош этган эди. Бунинг ортидан солиқ тўлашдан бўйин товлаганликда айбланиб ҳибсга олинган Магнитский 2009 йилда Москвадаги тергов изоляторида нобуд бўлган эди.

ЎХХ ахборот бўлими

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, “Миллий хавфсизлик хизмати идоралари бугунги кунгача 26 йил аввал ҳукумат тасдиқлаган Низом асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу Низомга чорак аср давомида тегилмаганлиги ва ҳар қандай оддий масала ҳам миллий хавфсизликка таҳдид деб баҳолаб келинганлиги ушбу идора ваколатларининг асоссиз кенгайиб кетишига сабаб бўлган.

Дунёнинг баъзи

## Мирзиёев МХХни ислоҳ қилиш зарурати ҳақида гапирди

минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида, терроризм ва экстремизм тарқалишига ҳамда бу иллатлар глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда, деди Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида.

Бу ҳақда ЎЗА хабар қилди.

Айтилишича, давлат раҳбари шу муносабат билан “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги ва “Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этган.

ЎХХ хабарлар бўлими



## Ҳижома ҳақида...

Ертўладан чиққанимдан бери бош оғриғидан каттиқ азият чекам. Дори-дармонлар кор қилмай кўйгани учун кейинги пайтларда дори истеъмол қилишни ҳам тўхтатгандим.

Бунинг ўрнига Яратганининг беайб бир бандасини турли хил тўхмату бўхтонлар билан жазолаган, мени шу кўйга солган, бошимни жароҳатлаган, бурнимни қонатган, дилимни хуфтон, кўнглимни хонавайрон қилган Миллий хавфсизлик хизматининг айрим зўравонларию, “соч ол деса бош олишга” устаси фаранг баъзи ювиндихўр милицияларнинг падарига ланъатлар айтишга ўтгандим.

Рости, бугун қўли қон МХХчиларнинг ишини ҳам, саводсиз, гумроҳ милицияларнинг ишини ҳам Худога солганман. Аллоҳим вақти-соати келганда зўравонларнинг жазосини беришига астойдил ишонаман.

Мен аслида ҳижома ҳақида ҳикоя қилмоқчийдим. Касалхонада эканман, яна дори-дармон истеъмол қилишга мажбур бўлдим. Аммо тасодифан кўпдан бери қизиқиб юрган им ҳижома усулида даволовчи шифокорга йўликдим. У ўзим даволанаётган касалхонада ишларкан. Даволовчи шифокор билан суҳбатдан кейиноқ ҳижома амалини бошимдан ўтказдим.

Шу ўринда ҳижома нима, деган саволга жавоб бермоқчиман. Манбаларда ёзилишича, ҳижома атамаси асли араб тилидаги ҳажм сўзидан олинган бўлиб, “сўрмоқ”

маъносини аниқлаётган. Бола она кўкрагини сўрса – эмса, арабчасига: “ҳажома ас-сабийю уммаҳу”, — дейиларкан.

Қон олгувчи шахс ҳам, қонни сўриб олиш йўли билан олса, уни “Ҳажом” деркан. Қон олиш касбига: “ҳижома”, қон олинадиган асбоб ускунага эса: “Михжам” дейиларкан. (Лисанул-араб китобидан). Хуллас: “Сўриб олишга мосланган (хоҳ қадимий, хоҳ замонавий) асбоб-ускуна билан бузилган қонни жасад – бадандан чиқариб ташлашни ҳижома”, — дейилади.

Маълум бўлишича, ҳижома қадимдан маълуму машҳур экан. Қадимги чинликлар (хитойлар), бобилликлар ва Фиръавнлар даврларида ҳам ундан амалда унумли қўлланган экан. “Даволанишларинг учун энг афзал нарса ҳижомадир. Ёки “ҳижома даволарингизнинг энг муносибларидандир”, деган сўз ҳам бор экан.

Ҳижома куйидаги хасталиклар учун фойдали экан:

1. Қон айланиш органларидаги хасталик.

2. Қон босими, юрак хасталиклари.

3. Кўкрак оғриғи, нафас қисиши.

4. Бош ва кўз оғриқлари.

5. Бўйиндаги, қорин бўшлиғидаги оғриқлар ҳамда мускуллардаги бод (ревматизм) касалликлари.

6. Баъзи турдаги юрак, кўкрак хасталиклари ва бўғинлардаги оғриқлар ва ҳ.к.

Шифокор елка, бўйин ва белимга

ҳижома қилишдан олдин ўша жойларимни спирт билан артиб чиқди. Сўнгра махсус банкачаларни қон олинадиган ўринларга ёпиштириб ўрнатди. Уч дақиқадан кейин банкачаларни кўчириб олиб, у жойни кескир (устара, лезвия) билан оҳиста майда-майда қилиб тилишди. Кейин юқоридаги равишда банкачаларни ҳалиги ўринга қайтадан ёпиштириб ўрнатди. Орада 5-8 дақиқа ўтгач банкача бузилган – айнаган қонга тўлди.

Бизда «қон олиш» деб аталадиган истилоҳ арабларда иккига бўлинаркан. Биринчиси, «ҳижома» деб аталиб, бошдан қон олишни англатади. Иккинчиси, «фасд» деб аталиб, жисмининг бошдан бошқа қисмидан қон олишни англатади. Иссиқ ўлкаларда, жумладан, Арабистонда бошдан қон олиш фойдали бўлгани учун «ҳижома» истилоҳи машҳур бўлиб кетган. Айтишларича, кўринган жойдан қон олдиравериш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Қонни қаердан олишни бемор эмас, табиб белгилайди.

Қон олиш инсон вужудида катта ўзгаришларга сабаб бўладиган жараён.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалам қон олиш туфайли етадиган фойдалардан учтасини зикр қилганлар:

1. “Қонни кетказди”, яъни қон олиш орқали бемордаги хасталикка сабаб бўлаётган қон чиқиб кетади.

2. “Қуйилган қонни енгиллаштиради”. Қон олдириш даражасида хаста бўлганларнинг кўпларининг қони куйилиб, қон томирлари қотишиб қолиши маълум. Қон олиш туфайли қолган қон ҳам суюклашади, томирлар ҳам юмшаб қон айланиш жараёни ўз ҳолига қайтади.

3. “Ва кўзни равшанлаштиради”. Маълум бўлишича, бу ҳолатлар ҳам тажрибалардан ўтган.

Манбаларда “Аллоҳнинг баракаси билан пайшанба куни ҳижома қилинлар. Чоршанба, жума, шанба ва якшанба кунлари ҳижомадан сақланлар. Душанба ва сешанба кунлари ҳижома қилинлар, у Аллоҳ Айюбни мусибатдан халос қилган кун” дейилган.

Мен душанба куни ҳижома қилдирдим. Демак, мумкин бўлган кун. Дўстларим, сизларга оғир бўлмаса бир дуо қилиб кўйингизлар. Соғайиб кетсам ажабмас!

**Рузбай Азимий**

**“Пайғамбарлар тарихи”  
китоби ва унинг тузувчиси  
Муҳаммад Солиҳ ҳақида**

**Бисмиллаҳир роҳманир  
роҳийм**

Мана, қўлимизда Муҳаммад Солиҳ тайёрлаган, Ўзбекистон тарихида ва ўзбек тили тарихида илк бор чоп этилаётган 4 жилддан иборат “Пайғамбарлар тарихи” китобини тутиб турибмиз.

Бунгача ўзбек тилида бутун пайғамбарлар тарихи бундай тўла ва яхлит шаклда ҳеч чоп этилмаганди. Бу йўналишда ўзбек тилида кичик ҳажмдаги Рабғузийнинг (13-14 аср) “Қиссасул анбиё” ва Алихон Тўра Соғунийнинг (1885-1976) пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) тарихига оид “Тарихи Муҳаммадия” китоблари мавжуд эди, холос.

Муҳаммад Солиҳ тайёрлаган бундай бир китоб эса бугунги кунда фақат Ўзбекистонда эмас, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида ҳам ҳеч бир тилда мавжуд эмас.

Бутун пайғамбарлар тарихини қамраб олган ушбу китобнинг ўзбек тилида пайдо бўлишини ўзбек жамияти маънавий ҳаётида сўнги йиллар ичида юз берган энг катта воқеалардан бири, дейиш мумкин.

Аслида, халқимиз маънавияти учун улкан аҳамият касб этган бундай китоблар хорижда эмас, балки, мамлакат ичкарасида, Ўзбекистоннинг ўзида чоп этилиши керак эди. Рамзий маъно ташиган бундай фавқуллода воқеъликни ҳатто (шундай вазиятнинг юзага келишида асосий роль ўйнаган) диктатор Каримовнинг ўзи ҳам илфган, шекилли, мажлислардан бирида у мулозимларига қарата: “Мамлакатдан олтин бошлар қиқиб кетиб, фақат олтин тишлар қолган кўринади, а?”, дея заҳарханда қилган экан.

Таассуфлар бўлсин-ки, бугун ўлкамиз асрлардир шараф билан кўтариб келган ўзининг “Маънавий Учоқ” мақомини йўқотиб, ўрнига “Маънавий Крематорий” мақомини олди, ўлкадаги маънавият том шайтоний бир режа билан, иблисона бир изчиллик билан куйдирилмоқда, маҳв этилмоқдадир. Шу маънода, ватанимиз бугун маънавият тарқатишдан кўра, ўзи маънавиятга муҳтож бир минтақага айланиб қолди, десак, сира лоф бўлмайди.

Бундай шароитда “Пайғамбарлар тарихи” сингари китобнинг хориждан Ўзбекистонга кириб боришини фақат зулматга йўналган бир нур сифатида баҳолаш мумкин.

**“Солиҳ фанатик  
экан-ку...”**

**“Пайғамбарлар тарихи”  
китобининг аҳамияти**

Пайғамбарлар тарихига инсоният тарихининг бир парчаси деб эмас, балки, аксинча, бутун инсоният тарихига Пайғамбарлар тарихининг бир парчаси деб қараш тўғри бўлади. Чунки, дунё халқларининг тарихи, маданияти, маънавияти ва фалсафаси у ёки бу шаклда доимо дин атрофида айланган ва давлатчилик асослари ва ғоялари доимо диний заминларга қурилгандир. Инсонлар замонлар оша кибр билан писанда қилиб келган Илм ва Тараққиёт тантанаси, аслида, Аллоҳнинг битмас-туганмас қудрати ва инсон кўзи учун абадул-абад очилмас сир-асрорларига ўқилган мадҳиядан бошқа нарса эмасдир. Илм-фан юксалгани сайин инсонлар Аллоҳнинг ҳақиқатига тобора яқинлашмоқдалар, бугун илм-фан соҳасида ўтказилаётган энг сўнги тадқиқотларда “худо” сўзи (“худонинг занжири”- «god particle») бежиз ишлатилаётгани йўқ.

Ушбу китобда Қуръони каримда номлари зикр этилган барча пайғамбарлар кечмиши ҳақда ҳикоя қилинади. Тарих Одам алайҳиссаломдан бошланиб, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаёти билан яқунланади. Китобнинг учинчи ва тўртинчи жилдлари пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам тарихига бағишланган бўлиб, бу тарих энг муфассал шаклда ёзилгандир.

Китобдаги маълумотлар Қуръони карим оятлари, Ҳадислар, Пайғамбаримизнинг асҳоб ва тобиинлари берган гувоҳликлар ва ислом дунёсининг буюк алломалари асарларидан тўплангандир.

Китобдаги ҳар бир пайғамбар тарихи якунида кенг библиографик манбалар рўйхати берилгандир, келтирилган библиографик манбалар сони шу қадар кўпки, баъзи ҳолларда матннинг ҳар икки ёки уч сатрига биттадан манба кўрстаилади ва бу жиҳат китобнинг илмий базаси нақадар мустаҳкамлигини намойиш қилиб туради. Китобнинг замонавий ўқувчи тарафидан истеъмол қилиниши нуқтаи назаридан, техник жиҳатдан яна бир устунлиги – унинг шу мавзудаги тарихий асарларга хос бўлган архаизм ва эскирган, зерикарли, жимжимадор таъриф услубидан ҳолилигидир.

**Китобнинг тузувчиси ҳақда**

“Пайғамбарлар тарихи” китобининг ўзбекча тайёрлаб, чиқарилиши – жамиятимизнинг маънавий ҳаётида ўпқондай қорайиб турган кемтикни тўлдириш йўлида отилган катта одимдир. Шу маънода, бу китобни бир максималист инсоннинг қилган энг хайирли иши деб ҳисоблаш мумкин.

**Нега максималист?**

1980 йилларнинг бошларида ёзувчи Темур Пўлатов менга Муҳаммад Солиҳнинг шахс ва ижодкор сифатини характерлайдиган ўз кузатишини айтиб қолди, тўғрироғи, кузатиш ҳам эмас, балки бу “рационал” иш қилишга ўрганган одамнинг “иррационал” киши ҳаракатлари олдидаги ҳайрати эди. “Солиҳ фанатик экан-ку, нашриётлардан биронтаси ҳам унинг Франц Кафкани таржима қилиб, чоп этиш ҳақдаги таклифини қабул қилмаган бўлса ҳам, у: “мен Кафкани барибир таржима қиламан”, деб таржимада давом этапти”, деганди Темур Пўлатов.

Аслида, Муҳаммад Солиҳни билганлар учун унинг бу “фанатик”лиги ҳайратланарли бир нарса эмас, чунки, Совет даврида “замон сенга боқмаса гар, сен ҳам боқма замонга” дея шеър ёзган бир инсоннинг бошқача йўл тутишини тасаввур қилиш қийин. Эзгу ишларга йўналган бундай “фанатик”лик, юртимизда нодир ва ўрнакка арзигулик бундай “мутаассиблик” Муҳаммад Солиҳ ҳаёти ва ижодининг ёрқин қирраларидан биридир. Муҳаммад Солиҳ характеридаги бундай максимализм у ватанини тарк этишга мажбур бўлиб, дунё кеза бошлаганида ҳам йўқолгани йўқ. У муҳожирликда ўз сиёсий фаолиятини давом эттириб, ўлкамизда ҳукм сураётган мустабид тузумга қарши курашар экан, айна пайтда, бу китобларнинг чоп этилиши ва Ўзбекистонда тарқатилишига деярли ҳеч қандай умид бўлмаган энг оғир пайтларда ҳам, ўз сиёсий мақолаларини ёзиш баробарида ҳеч иккиланмай, Мусанниф Аҳмад Зиёвуддин Гумушхонаэвининг “Ҳадислар дарёси” (Рамуз-ал-аҳодис) китоби таржимасига қўл урди ва уни муваффақиятли тарзда якунига етказди.

Аллоҳ “Пайғамбарлар тарихи” китобини тузган ва бу ишга бош қўшган бошқа барча биродарлардан рози бўлсин.

**Мақсуд Бекжон, шоир.**



## “Эрк” фаоли Исроил Холдоров қамоқдан манзил колониясига ўтказилди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимидаги 64/36-сонли колонияда жазо муддатини ўтаётган ҳуқуқ фаоли ва муҳолифатчи Исроил Холдоров Тошкент вилояти Зангиота тумани Назарбек аҳоли пунктидаги 64/66-сонли манзил колонияга ўтказилган. Бу ҳақда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти 19 декабрь куни хабар қилди.

Айтилишича, Исроил Холдоров Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг ажрими билан жазо муддатининг 3/2 қисмини ўтаб бўлгани ва муносиб хулқ-атворда тавсифлангани учун манзил колонияга ўтказилган.

“Эзгулик” жамияти ўз баёнотида Исроил Холдоровнинг манзил колонияга чиқарилишини ижобий воқеа сифатида баҳолаб, унинг яқин орада озод қилинишига умид билдирган.

Эслатиб ўтамиз, Исроил Холдоров 2006 йилнинг 4 июнида Ўзбекистон “Эрк” демократик партиясининг Андижон вилояти бўлими раиси сифатида Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди томонидан конституциявий тузумга тажовуз ҳамда давлат чегараларини ғайриқонуний равишда кесиб ўтишда айбланиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Дастлабки муддат тугатиш ортидан Холдоровга берилган жазо яна икки марта узайтирилди.

**ЎХХ ахборот бўлими**

## Глобал ёлғон балки яхшиликкадир?

«Пахтага борасан, дейишди. Агар бормасанг, аризангни ёз ёки ўрнингга одам жўнат, дейишди. Ўзимизнинг ишимиз қолиб, бир ойдан кўп пахта теришга мажбур бўлдик».

Бу водийлик бир танишимнинг гаплари. У бу йил пахта ҳар йилгидан қаттиқ бўлгани, бормайман деганларнинг ҳолига маймунлар йиғлаганини куйиниб айтиб берди.

«Яқинда президентимиз жорий йилда пахта теримида мажбурий меҳнат билан боғлиқ бирорта факт аниқланмаганини айтди. Унга Халқаро меҳнат ташкилоти жўр бўлди. Бу гаплардан кейин мажбурий меҳнат яна қандай шаклда бўлиши мумкинлигини ўйлаб, ўйимнинг охирига ета олмаяпман», деди танишим.

Ўйлаб қолдим, асл ҳолатни мажбурий меҳнатга жалб қилинган минг-минглаб одам биладими ёки президентга аслида ёлғон, сиёсий жиҳатдан тўғри маълумот етказганларми?

ХМТнинг кондиционер тагида ётиб «телефон орқали маълумот тўплаган» ёки ҳукумат мулозимлари ҳамроҳлигидаги зиёфатдан сўнг кўзи сузилиб далани бир кўздан кечирган мониторингчилари билар балки?

Адашмасам «Суюнчи» киносига эди, кампир «дардимни кимга айтаман», деб куйинса, кичкина болача «менга айтинг, буви», деб ҳозиржавоблик қилади.

Қанчадан қанча одам мажбурий меҳнатга жалб қилинганини халқимиз нафақат кўриб турди, ўз танасида синаб ҳам кўрди.

Энди бу халқ дардини кимга айтсин, мажбурий меҳнат йўқ деяётган президентгами ёки унга жўр бўлаётган халқаро ташкилотгами?

Шунақа фикрлар асносида мияга «президентнинг имижмейкерларию маърузасини ёзиб берадиган спичрайтерлари, қолаверса, масъул давлат маслаҳатчилари бундай ёлғонни нутққа қўштираётганда

нималарни ўйлади экан», деган мулоҳаза келади.

Президентнинг ўзи бу ёлғонга ишонгани ёки бошқаларни ишонтиришга урингани эса бошқа масала.

Зеро, ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, «Агар шоҳсен сен, огоҳсен сен, агар огоҳсен сен, шоҳсен сен!»

Куриб кетсин, шу ёлғонни ХМТ айтсин эди, ўшанда халқнинг президентга ишончига у даражада зарар етмасди.

Ҳозир эса бу ёлғон давлатнинг ёлғончилик сиёсатига қарши курашишни шиор қилган президентнинг тилидан янграгани унинг имижига қанчалик зарар етказганини баҳолаш машкул.

Қатта ёлғон давлат раҳбари ва халқаро ташкилот ҳисоботи орқали куч олдирилган экан, энди буни глобал ёлғон, дейиш мумкин.

Бу глобал ёлғон давлат раҳбарининг мажбурий меҳнатга чек қўйиш борасидаги келажакдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадига хизмат қилса, балки уни яхшиликка деб қабул қилиш керакдир?!

Ҳар ҳолда пахта терими учун ҳақ ўтган йилгига нисбатан мисли кўрилмаган даражада ошди, фермерларга пахта сотишда эркинлик бериш кўзланяпти.

Пахта экспорти монополисти бўлган ташкилот ўзгартирилди, демакки, экспортдан бойиётган амалдорларнинг пайтавасига қурт туширилди.

Бу янгиликлар соҳадаги ислохотлар янги кўриниш олганидан дарак бериш билан бирга келажакка неқбинлик билан қарашга ундайди.

Аммо яқин ўтган кунларимизда ХМТ Ислом Каримовнинг ҳам пахта соҳасидаги мажбурий меҳнат борасидаги ёлғонларига дастак берганини эсласак, неқбинлик даражаси анча пасайиб кетади...

**Сардор Азим**  
**Манба: Eltuz.com**

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Хоразм ва Ангрендаги шакар заводлари ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб, ишчиларини ўз ҳисобидан таътилга жўнатган. Расмийларга кўра, ўзбек сўми девальвациясидан сўнг иккала завод ҳам фақат зарарига ишлаган ва ходимларига ойлик бера олмай қолган. Айти пайтда ҳукуматнинг шакарга бўлган эҳтиёжни импорт шакар билан қоплашга оид тадбирлари ҳам самарасиз бўлаяпти.

### Икки ойлик мажбурий бепул таътил

“Хоразм шакар” ва “Ангрен шакар” заводлари жорий йил ноябрь ойи бошидан фаолиятини вақтинча тўхтатиб, ишчиларини 2018 йилнинг 10 январига қадар бепул таътилга чиқарди.

Жумладан, Ҳазораспдаги “Хоразм шакар” заводи жорий йил 10 ноябрь куни ишларининг асосий қисмини таътилга чиқариб, фақат юк ташиш бўлими ишчиларини олиб қолган. Бу ҳақда Озодликка гапирган завод ишчисига кўра, 15 декабрдан бошлаб, юк ташувчилар ҳам таътилга чиқарилиб, завод фаолиятини тўла тўхтатган.

“Кимда аввал олинмаган отпуск бўлса, уларни пуллик таътилга чиқаришди. Лекин отпускаси йўқларнинг барчаси “бессодержание” олди. Омборда қолган шакарни жўнатиш ишлари учун юк ташувчиларни олиб қолишди. 15 декабрь куни завод омбори ҳам бутунлай бўшади. Шунинг учун юкчиларни ҳам отпускка чиқарди. Энди ҳамма 10 январгача таътилда бўлади”, деди завод ишчиси исмини очиқламаслик шарти билан.

Расмий сайтларида келтирилган маълумотга кўра, “Хоразм шакар”да 1500 нафар, “Ангрен шакар”да эса 500 нафар ишчи-ходим ишлайди.

### Таътил яна узайтирилади

30 октябрь куни Озодлик “Хоразм шакар” фаолиятини вақтинча тўхтатиш режаси билан ишчиларини ўз ҳисобидан таътилга чиқиш учун ариза тўплаётгани ҳақида хабар берган эди.

20 декабрь куни Озодликка маълум бўлишича, иккала заводнинг ҳам 10 январдан ўз фаолиятни қайта бошлаш режаси амалга ошмаслиги тахмин қилинмоқда.

Бу ҳақда “Хоразм шакар” ширкатининг Тошкентдаги бош офиси ходимларидан бири Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда маълум қилди.

“Иккала завод ҳам расман техник



## Ўзбекистонда шакар тақчиллиги бошланиши мумкин

профилактика ишлари билан вақтинча ёпилди, дейилди. Икки ой ичида заводлар фаолиятини қайта йўлга қўйиш учун бирор йўли топилиши умид қилинганди. Мана декабрь охирига келиб, ҳозирча бирор ечим топилгани йўқ. Энди заводлар ишчилари 10 январь куни чақиртирилиб, қайта ариза олиниб, яна таътилга жўнатилади, деди “Хоразм шакар” ширкатининг Тошкентдаги бош офиси ходимларидан бири.

### Заводларнинг вақтинча ёпилиш сабаби

“Хоразм шакар” заводи мулозимларидан бири Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда завод ёпилишини Марказий банк ўзбек сўмининг АҚШ доллариغا нисбатан курсини кескин кўтариб юборгани билан боғлайди.

Узини таништиришни истамаган мулозим 30 октябрь кунги суҳбатда “Хоразм шакар” девальвациядан сўнгги икки ой ичида 17 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорига зарар кўрганини айтган эди.

“Шакарқамишнинг 1 килосини 55 центдан хориждан сотиб оламиз. Олдин бизга долларни 4210 сўм 35 тийиндан конвертация қилишга рухсат берилганди. Девальвациядан сўнг 8200 сўмга тўғри келди. Девальвациядан олдин 1 кило шакар ишлаб чиқариш учун 55 центлик хом-ашё ва яна 40 центлик харажат кетган. Жами 95 центлик харажат қилиб, тайёр маҳсулотни 1 доллар 2 центга сотганмиз. Ҳозир эса 1 кило шакарни 43 цент зарарига сотаяпмиз. Заводнинг гази, свети, ишчилар ойликлари, ремонт, запчастлар ҳаммаси зараримизга бўлаяпти”, деган эди мулозим.

“Хоразм шакар” ширкатининг Тошкентдаги бош офиси ходими

20 декабрь куни Озодлик билан суҳбатда иккала завод ҳам девальвациядан сўнг хориждан хом ашё олиб келишни тўхтатганини айтди.

Утган ой маҳаллий матбуот “Ўзбекизоқовқатхолдинг” компанияси матбуот котиби У. Рўзиевга таяниб, мамлакат бўйлаб сотувдаги шакар нархини 5000 сўмдан оширмаслик лозимлиги ҳақида ҳукумат топшириғи борлиги ҳақида хабар тарқатган эди.

“Хоразм шакар” заводи мулозими Озодлик билан суҳбатда, маҳаллий заводлар ишлаб чиқараётган шакарни бу нархда сотиш имконсизлигини айтади.

“Биз фойда кўришимиз учун шакарнинг килосини 7500 сўмдан сотиш керак. Фақат шундагина завод фаолият кўрсатиши мумкин. Ёки конвертация курсини енгилроқ қилиш керак”, дейди Озодлик суҳбатлашган завод мулозими.

### Боши берк кўчага кирган “импорт шакар лойиҳаси”

Ўзбек сўми девальвациясидан сўнг маҳаллий заводлар фаолиятида муаммо юзага келгач, ҳукумат аҳолининг шакарга бўлган эҳтиёжини импорт шакар билан қоплашни режалаштирди.

12 сентябрь куни президент қарори билан Ўзбекистонга импорт қилинадиган шакар божхона тўловларидан озод этилди.

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” импорт шакар орқали барча савдо нуқталарини керакли миқдордаги шакар билан таъминлашни маълум қилди.

23-25 сентябрь кунлари Россия Қишлоқ хўжалик вазири Александр Ткачёв бошчилигидаги

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

делегациянинг Тошкентдаги сафари давомида рус шакарини Ўзбекистонга экспорт қилиш масаласи кўрилди. Кейинчалик ноябрь-декабрь ойларида Россиядан 150 минг тонна шакар импорт қилиниши хабар қилинди.

Россия шакарини олиб келиш "Ўзбекиоқовқатхолдинг" тузилмасига кировчи "Узагроэкспорт", Agro Export Poytaxt ва "Деҳқон савдо" компаниялари зиммасига юклатилди.

Ушбу ширкатлардан бири мулозимининг Озодлик билан суҳбатда айтишича, бугунги кунда ҳукуматнинг Россиядан арзон шакар олиб келиш лойиҳаси боши берк кўчага кириб қолган.

"Ҳукумат импорт шакарнинг 1 тоннаси нархи 500 доллардан ошмаслигини топширди. Бу чеклов асосий муаммолардан бири бўлди. Тўғри, ушбу нархда бир қанча шартнома имзоланди. Жумладан, Россиянинг "Продимпекс", "Трио XXI", "Уваровский шакар" заводлари билан 380 – 437 долларлик нархда шартнома имзоланди. Лекин транспорт харажати ким қоплайди? Ҳозир логистика муаммосини ҳеч ким ҳал қила олмаяпти. Асосий логистика ширкатларини ёпиб ташлашди. Ҳозир борлари эса буни эплай олмаяпти. Ҳозир шакар импорти деярли тўхтаб қолди. Бу кетишда янги йилгача запасдаги шакар сотиб бўлинади. Кейин шакар нархи жуда қимматлаб кетиш хавфи бор", дейди исмини очиқламаётганимиз мулозим.

### Девальвация оқибатлари

Ўзбекистон Марказий банки 2017 йилнинг 5 сентябрида миллий валюта – сўмни деярли икки баробарга қадрсизлантирди – бунгача бир АҚШ долларининг расмий курси 4210 сўм бўлган бўлса, ўша кундан 8100 сўм қилиб белгиланди.

Ўзбек сўмининг девальвация бўлганидан сўнг бунгача расмий конвертация имтиёздан фойдаланиб келган, фаолияти импорт шартномалари, хусусан, хориздан хом-ашё олиб келишга алоқадор ширкат ва тадбиркорлар молиявий муаммога учрай бошлади.

Ўзбекистон ҳукумати миллий валюта девальвацияси оқибатларини юмшатиш учун Жаҳон банки билан 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз олиш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

### Шакар бизнеси

Ўзбекистонда мева пишиқчилиги мавсумида шакар нархининг ошиши муттасил кузатилаётган муаммо.

Ҳукумат мамлакатнинг шакарга бўлган эҳтиёжини тўлиқ маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондириш иддаоси билан 1998 йилда Хоразм вилоятида йилига 180 минг тонна шакар ишлаб чиқарадиган завод қурди. "Хоразм шакар" Ўзбекистон-Австрия-АҚШ қўшма корхонаси, расмий маълумотларга кўра, мамлакатнинг шакарга нисбатан эҳтиёжининг 60 фоизини қондиради.

2014 йилнинг бошида Тошкент вилоятидаги "Ангрен" махсус индустриал ҳудудда кунига минг тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги завод ишга тушди. Лойиҳани амалга ошириш учун 83 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сарфлангани айтилди. Расмийлар Сингапур ва Австрия ширкатлари билан ҳамкорликда қурилган "Ангрен шакар" ишга тушганидан кейин Ўзбекистоннинг шакарга нисбатан эҳтиёжи тўлиғича маҳаллий маҳсулот ҳисобига қондирилишини ваъда қилди.

Юзлаб миллион долларлик Ўзбекистон шакар бозорини давлат номидан бошқарувнинг энг юқори поғоналарига алоқадор санокли шахслар назорат қилиши айтилади.

Озодлик билан шахси сир қолиш шarti билан гаплашган ўзбекистонлик тадбиркорлар, Ислон Каримов даврида шакар бизнесининг йирик монополистларидан бири Ўзбекистон Футбол федерацияси собиқ президенти Мираброр Усмонов бўлиб келганини билдирди.

Ўзбекистондаги шакар бизнеси монополистларидан бири сифатида "Баҳо шакар" лақаби билан танилган Баҳодир Каримжонов мамлакат прокуратураси бу бизнесни тафтиш қила бошланганидан кейин 2013 йил бошида Дубайга қочиб кетган.

Каримжонов оиласига яқин манбалардан бирининг исмини ошкор қилмаслик шarti билан Озодликка айтишича, Баҳодир Каримжонов шакар ва яна бошқа соҳалардаги йирик бизнесини марҳум президентнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова ҳомийлигида юритиб келган. Европанинг қатор давлатларида йирик миқдордаги коррупция айбловлари ортидан Гулнора Каримова бу айбловлар марказига тушганидан сўнг, президент тўнғичининг Ўзбекистон ичкарасидаги бизнес империяси қулатилди.

ЎХХ ахборот бўлими

## Яна ўша мардикорлик, оғир меҳнат, қишнинг аянчли совуғидаги кўча ишлари...

Аэропортга келдим. Ҳужжат текширувлари ва чиқиш печатидан сўнг, кутиш жойига келиб, "Ўзбекистон ҳаво йўллари"ни самалётини кута бошладим. Самалёт Фарғона-Москва йўналиши билан келиб, Москвадан одам олиб, яна фарғонага қайтар экан. Юртдан келган самалёт кўнди. Одамлар аста-секин туша бошлади. Мен турган ер бир оз баландда, улар эса бир оз пастдан, ёнгинамдан ўта бошлади. Орамизда бир ярим метр ва ойна бор эди, холос. Юртдан келаётган одамлар орасида турли ёш вакиллари, аёллар ва болалар ҳам бор эди.

Жуда яқин турганим боис, ҳар-бир одамга қарай бошладим. Юртдошларимнинг нигоҳи беихтиёр ўзига тортиди. Ҳар бири – бир дунё.

Жуда ҳам маюс нигоҳлар... ҳеч ким кулгани йўқ. Ҳаттоки, бир қадам нарида турган юртдошларига қарагани хоҳиши йўқ.

Яна ўша мардикорлик, оғир меҳнат, қишнинг аянчли совуғидаги кўча ишлари... ва айрилик, соғинч ила узоқ муддатли меҳнат.

Ҳар бир юртдошим шу нарсаларни ҳис қилган бўлса, не ажаб.

Эркак, ўз номи билан эркак. Унга ачинмайсиз. Оила масъулияти эркак зиммасида. Аммо аёллар ва болаларга жуда ачинасиз. "Онани қўлидаги гўдаги билан келишга нима ва ким мажбур этди?" деган саволлар ила ойна олдида анчагача кимирламай қолиб кетдим.

"Ииллар давомидаги оғир меҳнат, ит ётиш, мирза туриш ҳаёти, қишнинг совуқ кунларида ишлаб юрган юртдошларимизни ўйлайдиган кимдир бормикан?"

Аёлларни сарсон қилган эрлар, акалар, укалар қаерда экан?

Халқини мардикор қилган мутасаддилар нима деб изоҳ берар экан? Миллионлаб инсонларни қандай шароитда, қандай ҳолатларда ишлаб юрганидан хабари бормикан?" Деган саволлар қаршисида қолавераман...

Яқин дўстимни айтганларини камина қоғозга кўчирди.

Sayyid Islom  
facebook.com

### "ERKIN YURT"

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Муҳаррир: Нурбек Саломов